

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРСАНОВ ДИЛШОД БАХТИЁРОВИЧ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ХРОНОТОП ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Хурсанов Дилшод Бахтиёрович

Ҳозирги ўзбек шеърлятида хронотоп поэтикаси 3

Хурсанов Дилшод Бахтиёрович

Поэтика хронотопа в современной узбекской поэзии 23

Xursanov Dilshod Baxtiyorovich

Chronotopical poetics in modern Uzbek poetry 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

The list of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРСАНОВ ДИЛШОД БАХТИЁРОВИЧ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ХРОНОТОП ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.4.PhD/Ғil370 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Умутов Ҳотам Иқромович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тўраев Дамин**
филология фанлари доктори, профессор

Жўрақулов Узоқ Ҳайдарович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ғil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс:(8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____даги __-рақамли реестр баённомаси).

М.Қ. Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

А.Б. Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

Б. Йўлдошев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадий хронотоп масаласи адабий тур ва жанрлар табиатидан келиб чиққан ҳолда атрофлича тадқиқ этиб келинмоқда. Макон координаталари, замоннинг уч ўлчови, сюжет ва композициянинг маълум қисми сифатида, муаллиф поэтик оламидаги метафорик тафаккурнинг ўрни, ҳаётий вақтнинг бадий вақтга айланиш тамойили борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бадий ижод қонунларига ўзига хос ёндашув асарнинг муаллиф-қаҳрамон-китобхон муносабатлари шаклидаги уч томонлама алоқасини ҳамда замон ва макон орқали образлар психологик ҳолатининг ёритилишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, хронотоп асарнинг поэтик жиҳатларини ўзида мужассам этгани боис метафорик образларда намоён бўлган бадииятни замон ва макон орқали тизимли асосда тадқиқ этиш ҳамда назарий умумлашмалар чиқариш зарурати мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Жаҳон адабиётшунослигида субъектнинг объектга нисбатан баҳоланиш шакллари, шахсий “мен”нинг етакчи хусусиятлари илмий методологик асосда ёритилган. Хронотопда субъективлик ва объективлик, лирик кечинманинг туғилиш жараёни, муаллифнинг метафорик тасавури инъикоси билан ўлчанади. Бадий деталлар орқали ифодаланган замон кўринишлари, маконнинг ўзгарувчан қиймат касб этиши, муаллиф тасавуридаги кўпқатламлилиқнинг замон ва макон воситасида ёритилиши, мавжуд ҳолатнинг лирик қаҳрамон кечинмаси орқали таҳлил қилиниши бугунги адабиётшунослиқнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослигида замонавий шеърининг поэтик ўзига хослигини белгилаш, илмий-назарий жиҳатларини тўғри асослашда жаҳон адабиётшунослигида синалган илғор тажрибаларни қўллашга зарурат сезилмоқда. Ижодкор услуби, жанрлар ривожини белгилашда юзага келган ўзгаришларни бадий хронотоп орқали тадқиқ этишга эътибор сезиларли даражада ортмоқда. Дарҳақиқат, “адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”¹ лиги адабиётшунослиқнинг барча соҳаларида замонавий талаблар даражасидаги тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сонли «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё адабиётшунослигида бадий хронотопнинг илмий-назарий муаммолари бўйича Европа сўзшунослари олиб борган тадқиқотларда хронотоп муаммосининг адабий-фалсафий негизда шаклланишига эътибор қаратилади. Бугунги давр глобал муаммоларининг иждоқор фитратига таъсири ва адабий-эстетик категорияларда хронотоп кўринишларининг ноанъанавий шакллари, бошқа фанлар таркибидаги хронотоп билан қиёсий таҳлил этилади.¹ Рус адабиётшунослигида эса М.Бахтин, В.Хализев, Д.Лихачев, Ю.Лотман, В.Топоров, Б.Егоров, А.Есин лирик хронотопда кўпроқ макон кўринишларини, замон орқали тарихий вақтни, унинг эстетик категорияларини, мифологик хронотопнинг бадий асар таркиби ҳамда табиатидаги ўрнини, уларнинг ҳаракатланиш нуқталарини ва амалий аҳамиятини илмий-назарий тадқиқ этишган. Шу билан бир қаторда ҳар бир иждоқорнинг бадий оламини таҳлил этишда индивидуал тартибда хронотопнинг концептик омиллари улар яшаган муҳит ҳамда жой нуқтаи назаридан атрофлича тадқиқ этилган. Бунда бирламчи макон қирраларига эътибор қаратилиб, замон иккинчи планда ўрганилган. Вақтнинг уч ўлчамли жиҳатларига объектив ва субъектив томондан баҳо берилган.² Ўзбек

¹Currie, Mark. *About Time: Narrative, Fiction and the Philosophy of Time*. –Edinburgh: Edinburgh University Press, 2007. Freeman, Elizabeth. *Time Binds: Queer Temporalities, Queer Histories*. –Durham, NC: Duke University Press, 2010. Heise, Ursula. *Chronoschisms: Time, Narrative, and Postmodernism*. Cambridge, U.K.: Cambridge University Press, 1997. Jameson, Fredric. “The End of Temporality.” *Critical Inquiry* 29.4 (2003): 695–718. Kern, Stephen. *The Culture of Time and Space 1880–1918*. Cambridge, MA: Harvard University Press, 2003. Mark Currie, *About Time: Narrative, Fiction and the Philosophy of Time* (Edinburgh: Edinburgh University Press, 2007). Alexander, Lily. “Storytelling in Time and Space: Studies in the Chronotope and Narrative Logic on Screen”. *Journal of Narrative Theory* 37,1 (2007): 27-64. Bergson, Henri. “Time and Free Will. An Essay on the Immediate Data of Consciousness”. 1889. Borghart, Pieter and Koen De Temmerman. “From Novelistic Romance to Romantic Novel: The Revival of the Ancient Adventure Chronotope in Byzantine and Modern Greek Literature”. *Journal of Mediterranean Studies* 2010 (forthcoming).

²Бахтин М.М. *Вопросы литературы и эстетики*. – М., 1975. Яна қаранг: *Проблемы поэтики Достоевского. Работе 1960-х–1970-хгг.*– М.: «Наука», 2002; яна: *Вопросы литературы и эстетики*. – М.: Худож. лит., 1975. Хализев В.Е. *Время и пространство. Теория литературы: Учебник*. – М.: Высшая школа. 1999. Ритм, пространство и время в литературе и искусстве: Сб./Отв. ред. Б.Ф.Егоров. – Л.: Наука, 1974. Лихачев Д.С. *Поэтика древнерусской литературы /Избранные работы в трех томах. Т. 1*. – Л.: Худ. лит. Ленингр. отд–ние, 1987. Топоров В. *Пространство и текст*. – Из работ московского семиотического круга. – М., 1997.

Есин А.Б. *Художественное время и художественное пространство. /Методы и приёмы анализа литературного произведения: Учеб.пособие*. – М.: Флинта: Наука, 2003. Аскин Я.Ф. *Проблема времени. Ее философское истолкование*. – М.: Мысль, 1965. Лихачёв Д.С. *Поэтика древне русской литературы*. – М.: Худож.лит., 1987; яна қаранг: *История поэтики русской литературы. Смехкакмировоззрение и другие*

адабиётшунослигида ҳам бадий хронотоп муаммоси умумий тизимда эпик асарлар мисолида тадқиқ этилган.¹

Жумладан, Б.Каримов асар сюжетида вақт сиқиклиги масаласини, Д.Тўраев эпик макон хусусиятларини, К.Қодиров ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқинига доир поэтик восита хоссаларини, А.Тўйчиев романларда макон ва замон акси ва муносабатини, Ў.Назаров ёндош хронотопни, Б.Тўраева тарихий романларда бадий замон шакллари, типлари ва усулларини, А.Носиров поэтик услубда бадий маконни, У.Жўракулов Алишер Навоийнинг “Хамса” асарида жанрий композицион хронотоп ўрнини, М.Умарова тарихий драмаларда сюжет вақти, хотира вақти, мўъжизавий вақтни атрофлича ўрганишган. Қайд этилган тадқиқотларда эпик турдаги хронотопнинг назарий-методологик моҳияти очиқ берилган. Лекин лирик турдаги замон ва макон муносабатлари махсус ўрганилмаган. Ўзбек адабиётшунослигида ана шу илмий-назарий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ушбу мавзу илк бор монографик планда тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети Истиклол даври адабиёти ва адабиёт назарияси кафедрасининг “Адабий тур ва жанрлар поэтикаси” мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади: бадий хронотоп шакллари, категорияларидан иборат тизимнинг ҳозирги ўзбек шеъриятида тутган ўрнини, бадий-эстетик тафаккур такомилидаги аҳамиятини, ички ва ташқи субъектларни илмий-таҳлилий, қиёсий-типологик усулларда тадқиқ этиш ҳамда назарий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: бадий хронотоп муаммосини назарий-методологик жиҳатдан ўрганиш, унинг шакллари, категорияларидан иборат яхлит тизимининг бадий-эстетик аҳамиятини тадқиқ этиш;

шеъриятда хронотоп поэтикасининг адабий-эстетик аҳамиятини илмий-таҳлилий белгилаш;

субъект-объект кўринишида хронотоп тамойилларининг назарий концепциясини умумлаштириш, адабий жанрлар табиатидаги бир-бирдан фаркли жиҳатларни кўрсатиш;

работе. СПб: Наука, 1994; Мейлах Б.С. Проблемы ритма, пространства и времени в комплексном изучении творчества //Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. –Л.: Наука, 1974.

¹Ганиев И. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фан. ... док. дисс. –Т.: 1998; Абуталиева Э.И. Пространства и время в русскоязычной прозе Средней Азии (на материале творчества Тимура Пулатова и Тимура Зульфиконова): Дисс. ... канд. филол.наук. –Т.: 1993.Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Т.: Фан, 2006; Тўйчиев А. Ўзбек романларида макон ва замон. –Т.: Мумтоз сўз, 2009; Тўраев Д. Рангин тасвирлар жиҳоси. –Т.: Академнашр, 2014; яна қаранг: Маънавий олам талқинлари. –Т.: Академнашр, 2020; Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. Илмий-назарий тадқиқотлар, адабий-танқидий мақолалар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015; яна қаранг: Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси: Филол. фан. док. ...дисс. – Т.: 2017; Қодиров К. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини. Филол. фан. ном. дисс. автореферати. –Т.: 2004; Насиров А. Одил Ёкубов романлари поэтикаси: Фил. фан. д-ри. (DSc)...дисс. –Самарқанд, 2018; Тўраева Б. Тарихий романларда бадий замон муаммоси: Фил. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. –Т.: 2018; Умарова М. Тарихий драмада бадий вақт концепцияси: Фил. фан. ном. ...дисс. –Т.: 2011; Назаров Ў. Романда бадий хронотопнинг ўзига хослиги. – Т.: Турон замин зиё, 2014.

лирик кечинмада ҳозирги, келаси, ўтган замон шаклларида қаҳрамон психологик ҳолатининг акс этишини асослаш;

ҳозирги ўзбек шеърияти образлари воситасида замон ва макон ифодаларининг маъно кўламини белгилаш;

бадий матн поэтикасининг хронотоп билан алоқаси ва унинг функционал амалий аҳамиятини ижодкор тафаккури ранг-баранглиги орқали асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим, Абдували Қутбиддин каби ижодкорлар шеърияти тадқиқот объекти вазифасини бажаради.

Тадқиқотнинг предмети ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий хронотоп муаммосини ижодий индивидуалликда ва қиёсий типологияда илмий-назарий ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, биографик, психологик, структурал, герменевтик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бадий хронотопнинг лирик жанрлар гуруҳида адабий-эстетик ҳодиса сифатида тутган ўрни, концептик назарияси, функционал вазифалари ҳамда усуллари поэтикаси очиб берилган;

лирик қаҳрамоннинг психологик доминантлари макон чегаралари орқали юзага келиши ҳамда бу жараённинг бошланиш ва ечим нукталари асосида ёритилган;

лирикада бадий хронотопнинг ташқи ҳамда ички турларга ажралиши; реал вақт ҳамда макон ҳодисаларининг шеъриятда поэтик синтезлашиши далилланган;

бадий вақт ифодасидаги метафоралар асар бадиияти қисмига айланиши, воқеа ритми ва ҳиссий ҳолат хусусиятлари, субъект томонидан бадий вақтнинг поэтик талқин этилиши асосланган;

шеъриятда мифологик образлар хронотопи шоирнинг ижодий нияти ва поэтик ғоясига мувофиқ муайян воқеа, ҳодиса, рамз, мотивга ишора қилиши, бу ҳодиса китобхон хотирасида ўзининг турли хилдаги поэтик комбинацияларига учраши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шеъриятда хронотоп бадииятини ўрганиш бўйича ўзбек адабиётшунослиги учун методологик асос аниқланган;

бадий хронотоп назарияси, категориялари, лирик тур табиати шоирнинг ижодий-индивидуал услуб манераси ва метафорик тафаккур маҳорати каби хусусиятларини таҳлил этиш имкониятларини кенгайтирган;

бадий хронотоп тадқиқи асосида ўзбек шеъриятида замон ва макон категорияси очиқ ва ёпиқ маконлар, макон чегаралари, ҳаётий, фалсафий, тарихий вақт ва мифологик образлар орқали хронотоп бадиияти нуктаи назаридан далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тадқиқот усулларида илмий мақсадга мувофиқлиги, танлаб олинган бадий

манбаларнинг тадқиқот предметига мослиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, социологик, психологик, герменевтик таҳлил методлари воситасида аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Шеърятда замон, макон лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини юзага чиқариши, поэтик услуб қирраларини белгилаши, эпик ва драматик турлардан фарқли равишда рамзийликка таяниши ва ҳар бир образ ўзига хос хронотоп ифодалаш билан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот лирик асарларда хронотоп назариясини ўрганиш, категорияларини аниқлаш, адабий тур ва жанрлар тақомилидаги ўзига хосликларини ойдинлаштириб беришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан “Замонавий ўзбек адабиёти ва адабий жараён”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Бадиий таҳлил асослари” фанларини ҳамда ихтисослашган мактабларда махсус курсларни ўқитишда, олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмалари, дарслик, мажмуалар яратиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек шеърятда бадиий хронотоп муаммосини тадқиқ этиш ва мазкур муаммонинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, илмий-амалий натижаларини белгилаш асосида:

шеърятда бадиий хронотоп ижодкорнинг методи – услубининг ўзига хос томонларини белгилаши, замон ва маконнинг турли тасвир усуллари ва категорияларига доир хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919 “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги №89-03-3949-сонли маълумотномаси). Натижада ҳозирги ўзбек шеърятда мифологик образларнинг қўлланилиши, бадиий хронотоп шакллари, усуллари ва категорияларига доир назарий хулосалар чиқарилган;

замонавий шеърятимизда халқ оғзаки ижодига оид образ намуналари: мифологик образлар, афсонавий образлар ва улар орқали миллий қадриятларимизни модернча талқинда ифодалаш каби хулосалар “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги ХТ-Ф2-004-рақамли ёш олимлар фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3949-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўзбек шеърятда учрайдиган Пари, Семурғ, Ялмоғиз, Ҳумо, Ахурамазда каби қаҳрамонларнинг янгича талқинларини ёритишга хизмат қилган;

ҳозирги ўзбек шеърятда хронотоп хусусиятлари, замон ва макон ифодалари, поэтик индивидуалликни юзага чиқаришдаги аҳамияти масалалари юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими қошидаги «Садоқат» адабий-ижодий тўғарагида маърузалар ўқилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 11 октябрдаги 01-03-06/1088-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг йўлланилиши ёш

ижодкорларнинг адабий маҳоратини ошириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 4 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг умумий мавзуси бўйича жами 17 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш, тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 152 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган. Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот режаси билан боғлиқлиги, мақсад ва вазибалари, ишнинг объекти ва предмети унинг илмий янгилиги, амалий натижалари ёритилган. Илмий тадқиқотдан олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши, нашр этилган илмий ишлар кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Эпик, драматик ва лирик хронотопта поэтик муносабат масаласи”** деб аталган биринчи боби икки фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фасли **“Лирикада хронотоп ва унинг поэтик шакллари”** деб номланиб, шеъриятга хос макон ва замон шаклларининг бошқа турлардан фарқли хусусиятлари, лирикада асосан ички хронотоп муҳим ўрин тутиши илмий жиҳатдан умумлаштирилган.

Эпик, лирик, драматик турлар асосида макон ва замон ўлчовлари, улар ўртасидаги фарқланишлар кузатилди. Эпик турларда **“эпик матн майдонини шакллантирувчи муҳим эстетик-бадий воситалардан бири”**¹ замон ва макон қамровини кенг олинишига сабаб бўлса, драматик асарларда томошабин вақти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳар бир пардада акс этган хронотопга эътибор қаратилади. Лирик турда эса айни пайт хронотопининг муҳимлиги ва оний кайфият етакчи хусусият касб этиши ҳисобга олинади. Шу жиҳатдан ҳар бир тур ўзининг хронотоп қонун-қоидаларига кўра бир-биридан ажралиб туриши, уларни алоҳида концептик жиҳатидан таҳлил қилишни ҳам талаб қилади. Эпик турларда услуб тақозосига кўра ижодий метод ва йўналишлар асосида хронотоп ўзининг турфаалигини намоён қилади. Бадий асар мантиғи

¹ Назаров Ў. Омон Мухтор романларида бадий хронотоп муаммоси. Фил. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дис. –Қарши, 2018. – Б. 19.

образларда акс этганлиги учун ижтимоий муҳит ва давр эпик тур жанрлари нуқтаи назаридан макон ва замонда бўлиб ўтган воқеаларни ифодалайди. Драматик асарларда кўриниш бўладиган жой, яъни сахна орқали маконнинг аниқ қиёфаси гавдалантирилади. Шу билан биргаликда, сахна асарларида макон декорациялар ёрдамида бадиий замонни ҳам кўрсатади.

Хронотоп тушунчаси лирик жанрлар табиатида оддийликдан мураккабликка қараб силжиб боради. Дарҳақиқат, баъзан ифодавий тасвирлардаги хронотоп рамзийликка йўғрилиб (баъзи ҳолларда ўзи ифодалаган маъно ўзгармасдан), психологик хронотопга кўчади. Бундай ҳолатда ташқи маконда учрайдиган ҳар қандай жой, предмет, деталь, манзара лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини ифодалаш учун ички маконга айланади. Бу жараёнда реал вақт ўз аҳамиятини йўқотади. Бадиий вақтни англашда (лирикада воқеликни моддий тушуниш қийин бўлганлиги учун ҳам ҳиссий, ҳам ақлий ёндашувни талаб қилади) дақиқа, соат, кун, тун, ҳозир, кеча, бугун, эрта каби вақт бирликлари тушунилади. Бундай ҳолатда лирик асарларда бадиий вақтнинг тўхтатилиши психологик жараён билан боғланади. Психологик жараёнда тасвир этилаётган маконлар ўз навбатида мавҳум тушунчалар юрак, қалб, кўзни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам мавҳум тушунчаларни акс эттирадиган хронотоп шоирнинг ташқи реал макондан олинган тасвирлари билан боғланади. “Лирикада ички макон, асосий макон ҳисобланади. Айниқса, XX аср шоирлари ижодида онг оқими етакчи тамойилга айланганидан кейин, ички психологик макон муҳим аҳамият касб этади. Тўғри, замонавий шеърлар табиатида бадиий маконни шакллантириш ва аниқ тасвир вазифасини бажариши зарур бўлган ташқи макон ҳам мавжуд, лекин ички психологик макон лирик тур табиатида яқка ҳукмронлик қилади”¹. Демак, лирик турда хронотоп ўзининг алоҳида қийматларига эга бўлиб, муайян маънода макон кўчиши, вақт тарқоқлиги билан ўлчанади. Унда биринчи навбатда кечинманинг муҳимлиги хронотопнинг эпик ва драматик турдан ажратиб турадиган хусусиятлари ҳисобланади. 1) лирик тур эпик турга нисбатан ўта эмоционаллиги, ўқувчига бир онда, лаҳзада тез таъсир этиш хусусияти билан фарқланади; 2) лирик қаҳрамон мавҳум макон ва тушунчалар сифатида туш, хотира, қалб, юрак, хаёл, кўз, кафт каби метофорик маконлардан фойдаланади; 3) эпик асарларда ташқи макон муҳим бўлса, лирик асарларда ички макон етакчилик қилади. Лирикада ҳис-туйғу бирламчи бўлганлиги учун ички хронотоп мавҳум ҳолатда бўлади. Шунинг учун ҳам у кўп қатламли ҳисобланади, рамзий шаклга айланади; 4) хронотоп категорияларининг эпик турга нисбатан лирик турда психологик хусусиятлари бўрттириб кўрсатилади. Бу ҳолат шоирнинг ижодий нияти орқали ўзгаришга учраши мумкин; 5) лирик турда бадиий хронотоп горизонтал ёйилишдан кўра, кўпроқ вертикаль қиймат касб этади. Шу боисдан воқеликнинг сиқик планда берилиши ҳиссиётнинг ҳар хиллик даражасини оширади.

¹Ким Ен Сук. Художественное пространство в лирике Б. Пастернака. Автореферат, диссертации кандидата филологических наук. – Москва, 2001. – С. 30.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Лирик концепция хронотопи” деб номланган бўлиб, бу фаслда шоир ифодаламоқчи бўлган ғоя билан асар матнидан англашилган ғоя ҳамда унинг юзага келишида муҳим аҳамият касб этган реал вақт таҳлил қилинади. Поэтик ғоя маълум бир шарт-шароитда, реал ҳаётнинг муаммоли кўринишларини бадий асарга олиб кириш эҳтиёжи билан вужудга келади. Табиийки, эҳтиёж ўз-ўзидан туғилмайди. Унга ҳаётнинг қандайдир бир муаммоси туртки беради. Шунинг учун ҳам бадий ғоя “образли фикр”, “воқеалар мантиқи ва моҳиятидан келиб чиқар” экан, албатта, ўша воқелик қандайдир макон ва замонда рўй беради. Поэтик ғоянинг туғилишида ҳаётини вақт муҳим вазифани бажаради. Чунки ҳаётини вақт бадий тўқиманинг заруриятга айлантирадиган вақт бўлиб, ижодкор уни айрим ўринларда тўғридан-тўғри, баъзан рамз, истиора, тарихга мурожаат, бадий тўқима ёрдамида адабий асарга кўчиради. Бу эса ижодкор яшаган муҳит, жамият, табиат, унинг дунёқараши, диди, савияси, қолаверса, китобхон эҳтиёжи билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Шу мақсадда ҳаётини вақтнинг поэтик ғояга айланиш жараёнига эътибор қаратиш лозим: а) ижодий ният, асардаги образлар, лирик кечинма, муайян бир воқелик ҳаётини вақт орқали юзага келади; б) реал вақт - ижодкорнинг ўзигагина тегишли бўлган вақтдир, бадий асарда эса у бир неча тақдирларнинг ижтимоий фаолиятига сингдирилади; в) ҳаётини вақтнинг психологик ҳолатни юзага келтириши, бу кўпроқ лирик жанрлар учун хос бўлиб ижодкорда оний кайфият туғилишидан ҳосил бўлади; г) турли давр, ижтимоий муҳит, ҳар хил жамият, географик жойлашув, касбий фаолият, турли оилавий таълим ва энг муҳими истеъдод характериға ҳаётини вақтнинг таъсири алоҳида аҳамияти билан ажралиб туради; д) онг ости хотираси ижодкорда ижодий ният туғилишида восита вазифасини бажаради. Чунончи, орадан йиллар ўтиши билан ҳам онг ости хотирасида сақланган психологик воқелик унутилмайди; е) реал вақт бўлаклари: кун, тун, тонг ва фаслларнинг ҳам ижодий ният туғилишида ўз ўрни борлигини эътибордан соқит этмаслик керак. Фахриёрнинг аксарият шеърларида бадий замон бир вақтнинг ўзида катта қамровли замон тасвирини юзага келтиради. Вақтнинг бундай даражаланиш хусусиятлари поэтик талқинда ўзига хос комбинацион кўринишларни намоён қилади.

Наҳотки,
пайкални
уммондан бўлак
менгзайдиган ҳеч нимарса йўқ?

Наҳотки,
шу оппоқ мавжлар остида
ётар чўкиб кетган кўҳна тамаддун?¹

Бадий матнга эътибор қаратилса, кўҳна тамаддуннинг бешиги бўлган Шарқ замонлар ўтиб ғарибликка мубтало бўлади. Лирик қаҳрамоннинг қийнайдиган савол “наҳотки” замирида бутун халқнинг тақдири, ўтмиши,

¹Фахриёр. Аёлғу: шеърлар ва дostonлар. –Тошкент: Шарқ, 2000. –Б. 14.

бугуни, келажаги ўз ифодасини топади. Шонли тарих асрлар давомида шаклланган бутун бир халқнинг қисмати: мардлиги, жасорати, тантилиги шу оппоқ уммон қаърига ғарқ бўлган тамаддуни рамзий тасвирларда акс эттирилади. Метафоралар орқали ифодаланган образлар моҳиятида субъектнинг ижтимоий борлиққа нисбатан кескин қарашлари, пахта (содаллик, беғуборлик) қаърига ғарқ қилинган эрк (миллат) каби тушунчани ёдга солиш баробарида реал тасвир ва қиёслаш орқали лирик қаҳрамон сезимлари бўртиб кўринади. Кўз ўнгида пахта далаларига (орзу-хаёлларга) ғарқ бўлаётган бутун бир халқ тақдири шоирнинг руҳий оламига тинчлик бермайди. Шеър якунида шоир “Наҳотки, Туркистон Атлантида сўзининг таржимасидир? – дея ёзғиради. Бадиий матн юзасидан макон сифатида Туркистон ва Атлантида олинади. Бадиий замон бу ўринда иккиламчи вазифа бажаради. Бироқ поэтик ғояни умумлаштириб турган хронотоп жуда катта қамровни эгаллайди. 1) Мустабид тузум давридаги хронотоп (бир неча йиллар); 2) Тамаддун, яъни тарихий хронотоп (бир неча асрлар); 3) Ҳозирги вақт (муаллиф вақти); 4) шеър якунидаги “Наҳотки...” уч нуқта давомли хронотоп (келаси замон хронотопи) кабиларни ҳисобга олинганда, поэтик ғояда англашилган макон ва замон бадиий матнда тасвир этилган хронотопдан кескин фарқланади. Шу боис, поэтик ғояни ифодалаган хронотоп билан матн юзасидан аниқланган хронотоп ўртасидаги кенг ва тор тушунчаларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Шоир англлатмоқчи бўлган фикр фақат поэтик образлар орқали намоён бўлади. Бадиий хронотоп эса фикр ва образларда зухур топади. Бу ҳолат китобхонни бироз чалғитгандек бўлса-да, асар мазмун моҳиятидан келиб чиқиб поэтик яратикни идрок этишга ёрдам беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Лирикада замон ва макон табиати”** деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида “Лирикада бадиий вақт масаласи” ўрганилади, шеърятда бадиий вақтни юзага чиқарадиган образлар ва муаллиф вақти, сюжет вақти, тарихий вақт, лаҳзалик вақт таҳлилга тортилиб, уларга тавсиф берилган.

Лирик асарларда бадиий замон ўзида субъективлик касб этади. Қолаверса, у вақтнинг ҳаракатини қабул қилиш мантиғига бўйсунди. Шеърятда бадиий вақт билан боғлиқ бўлган метафоралар ўзига хос вазифа бажариб, унинг асосий қисмига айланади. Шу нуқтаи назардан, воқеа ритмига, ҳиссий ҳолатнинг хусусиятларига қараб (қувонч, ғам) бадиий вақтнинг субъектив идроки шаклланади. Объектив мавжуд бўлган (ташқи дунёга тегишли бўлган) ва шоир томонидан яратилган бадиий вақт ажратилади. Шеърятда бадиий замон оқимининг модели матнда туйғуларни ифодалаган муаллиф вақти билан аниқланади. Лирикада реал вақтга эркин муносабатда бўлинади, қолаверса, унда воқеа вақти билан муаллиф вақтини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

А.Қутбиддин ижодида бадиий вақт масаласи лирик қаҳрамон кечинмалари орқали намоён бўлади. Шоир ижодида “тун” образининг мунтазам қўлланилиши бадиий замоннинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Лирик асар табиатида “тун”, “ярим тун”, “тонг саҳар” бадиий замони поэтик

ғояни ифодалаб келиши асносида муаллиф вақти, сюжет вақти, лирик кечинма моҳиятини ҳам ифодалаб келади. Масалан, “Бир қозон атала ағдарди кеча”, “Ҳижрон қиш тунидай чўзилганида”, “Юлдуз гижинглатган оқшом бир дона”, “Қоронғу ерда ёниб, кул бўлиб титрасайдим”, “Қайдадир тун сиёҳ кокилин эшар”, “Тонггача чидайман, у ёғи ҳаёт” каби мисраларда тун сюжет вақтини кўрсатмасдан лирик кечинма табиатини, туйғуларини, руҳий ҳолатини, кайфиятини, қолаверса, туннинг суратлантирилган тасвирини ифодалаб келади.

Шоир ижодида бадиий замон масаласининг муҳим бир жиҳати ҳозирги замон кўринишидаги вақт концепциясидир. Муаллиф ҳозирги замон орқали хотира вақтини горизонтал эмас, балки, вертикаль планга чиқаради. Бунинг ўзигахос моҳияти бор. Сабаби, онг ости хотираси ҳар қандай шоир ижодининг муҳим қирраси ҳисобланади. Унда ҳозирда кечаётган кечинма ўтмиш билан боғланган лирик замон тушунчасини билдиради. Шоирнинг “Борокко” туркум шеърларида муаллиф замонининг бир қисми ва айни замон кўринишларини кузатамиз. “Сафардан қайтаётиб”, “Уйда уйку келмаганда”, “Ишхонада, туш маҳали”, “Соат 21. Уйга кетаётиб”, “Фарғонага боришдан бир кун олдин”, “Таътилнинг 12 куни. Ярим тун”, “Тонг арафаси”, “Шомдан кейин”, “Хопенхавен. Меҳмонхона” шеърларида ҳозирги вақт сезимларида хотира вақтини ҳис қилишимиз мумкин бўлади. Шу сабабдан образлар орқали ифодаланган вақтда ички кечинманинг субъектив ва объектив кўринишлари кузатилади.

Мункиб ҳаётимни кузатавердим,
Журъат этолмадим, қарияпманми,
Жабр шимавериб чирияпманми,
Хунук...
Чархпалак вужудда жаҳон қолдими,
Сон қолдимикин сени севмакка¹.

Бадиий адабиётда “чархпалак” образли деталь замон, вақт, умр фалсафасини ифодалаб келади. Шоир Абдували Қутбиддин ҳам худди шу жараёнга урғу бериб, бугун ва келажак тушунчаларига муносабат билдиради. Унинг фалсафий мушоҳадасида “чархпалак” деталь вазифасини ўтаб, ўтиб бораётган умр сифатида талқин этилади. Унинг нигоҳи орқали руҳоний тушунчалар қувватлантирилади. Натижада, муҳаббат аталмиш асл моҳият бугунги кечираётган умрдан устун қўйилади. Шоирнинг “вужудда жаҳон қолдими” мисраси инсонни сергакликка тортиб, ҳаёт мантиғини илғашга ёрдам беради. Вужуд бўшлиқ сари юз тутган, у фақат энди ўзининг “қалби” билан ёлғизланиб қолгандек сезимларимизда аёнлашади.

Лирик жанрлар табиатида бадиий вақт таҳлилида фикрлар айтиш баъзан қийинчилик туғдиради. Шеър мазмунидаги вақт, сюжет чизиғидаги вақт, муаллиф вақти, ўқувчи вақти каби масалалар борки, уларда биринчи ўринда поэтик идрок натижасида шаклланган мулоҳаза билан муаллиф мақсадидан келиб чиқилган фикрлар орасида муайян фарқлар кўзга ташланади. Шу боис

¹ Абдували Қутбиддин. Бор. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. –Б.155.

лирик асар композицияси ва сюжетида бадиий вақтни аниқлаш ва назарий фикрлар билдириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “Шеърятда макон-жой тасвири поэтикаси” деб номланади. Бу фаслда бадиий маконнинг турлари очик ва ёпиқлиги, лирик турга хос ташқи ва ички маконлар, макон чегаралари ва рамзий маконларга тавсиф берилади. Ташқи хронотопга шоир кўзи билан кўрган макро ва микро маконлар (шаҳар, қишлоқ, боғ, тоғ, уй, хона, бекат в.х.) киради, ички хронотоп: шоир тасаввурида, хотирасида, онгида, руҳиятида борлиқ вақтинчалик ёки бир марталик макон-замонни пайдо қилади. Бунда бутун бир галактика, кўёш ва юлдузлардан тортиб, қалб, кўз, кафт, киприк ва бошқа рамзий образлар макон вазифасини бажариб келади. Бундай образлар ўз чегараларининг нисбийлиги ёки анъанавийлиги юзасидан бир-биридан фарқ қилади. Чунончи, “Бадиий макон муаллиф тилидан ифода этилган, ўша муаллифгагина тегишли бўлган оламнинг кўринишидир”.¹ Шоир китобхонга тўғридан-тўғри мурожаат қилмайди, балки, ўз фикрларини турли жойлар, рамзий тасвирлар орқали етказилади. Бу каби ҳолатни ташқи макон сифатида эътироф этиш мумкин. Ички макон орқали эса уларни сайқаллаштириб лирик образга айлантиради. Демак, ўқувчи шоир фикрларини ана шу образлар воситасида англайди. Очик маконларга: тоғ, боғ, дала жойлари кирса; ёпиқ маконларга: уй, хона, бекат, вокзал каби жойлар киради. Ш.Раҳмон, Х.Даврон шеърятда очик макон тасвири кўпроқ учрайди. У.Азим шеърятда эса ҳар иккала макон уйғунликда ифодаланади. Очик маконларнинг қўлланилиши шоирларнинг туғилиб ўсган, кўзи билан кўрган жойлари биографик хронотопни ташкил этади. Бу боғланиш аслиятни қандай бўлса, шундайлигича кўрсатиш эмас, ўша тасаввурни образ даражасига кўтариш билан белгиланади. Очик маконларнинг яна муҳим жиҳати шундаки, уларда ёпиқ маконлардагидек чегаралар (дераза, девор, эшик каби) бўлмайди. Масалан, Ш.Раҳмон, Х.Даврон, У.Азим шеърятда очик маконлар, асосан, маълум бир воқелик асосида тарих, соғинч, муҳаббат, мардлик, жасорат, бурч, садоқат мотивларини ифодалаб келса, ёпиқ макон ижтимоий ҳақиқатлар асосида изтироб талқинини етакчи мавқега кўтаради. Ёпиқ маконларнинг ўз чегаралари дераза, эшик, сурат ва бошқа элементлари борки, уларда лирик қаҳрамоннинг объектив борлиққа нисбатан ҳиссий қарашлари субъектив кечинма орқали тасвирланади. Усмон Азим шеърятдаги хона хронотопи алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Унда лирик қаҳрамон ўзининг орзу, хаёл, армонларини бир нуқтага жамлайди. Тўла маънодаги ҳиссиёт ёпиқ макон чегараларини бузиб, очик маконга кўчади. Лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ҳам аслида шуни иштайди.

Бу ерга келтирди мени тасодиф,
Кимдир шеригига латифа сўйлар.
Кимдир креслода ухлайди қотиб,
Марк Бернес турналар ҳақида куйлар.

¹Лотман Ю.М. В школе поэтического слова. Пушкин. Лермонтов. Гоголь. –Москва, 1988. –С.253.

Қаршимда лобар қиз ўлтирар жиддий.
Ичмаган. Столда қадаҳи лим-лим.
Сездингми, хонада бир армон хиди,
Турналар оламдаучмоқда, синглим!¹

Шоир турна образида қалбининг пучмоқларида қолиб кетган муҳаббат мунглири ва изтиробларини акс эттиради. Ёпиқ макон аста-секинлик билан очик маконга кўчади. Хона хронотопида бошланган психологик жараён, одатда, денгиз, кема, тўлқин образларида қоришиб кетади. Лирик жанрлар табиатида қўлланган барча ёпиқ маконлар орқали хотирлаш, нисбий таққослаш, ўлим, айрилиқ, муҳаббат, эрк ва озодлик, ижтимоий муносабатлар қаламга олинади. Тўғри, очик маконларда ҳам бу тушунчалар кенг қўлланилади, бироқ, очик маконларда объектив борлиқ кўпинча табиат тасвири орқали юзага келади. Ёпиқ маконларда “уй” ёки “хона” қайсидир маънода ҳиссиётнинг биринчи ўринга чиқишида туртки вазифасини бажаради. Ҳар бир бадиий деталь бунда муҳим вазифа бажаради. Кучли драматизм лирик қаҳрамоннинг туш билан хуш ўртасидаги ҳолати тасвири орқали бадиий деталларнинг у ёки бу кўриниши туфайли юзага келади.

Усмон Азим шеъриятидаги “бекат” хронотопи “хона” хронотопидан фарқ қилади. “Хона” хронотопида қаҳрамон руҳий изтироблари у англаган ҳақиқатлар туфайли юзага келса, “бекат” хронотопида асосан тасодифий учрашув бирламчи хусусият касб этади. “Уй”, “хона” хронотоплари шахсийликни, хусусийликни ифодалаб, унда одатда бўлиб ўтган, бўлаётган ёки бўлмақчи бўлган воқелик тўғрисида муаллиф ўй-кечинмалари баён қилинади. “Бекат” хронотопи эса бадиий матн контекстида умумийлик касб этиб, унда бўлаётган воқелик тасодиф, кутилмаганда рўй бериши билан фарқланади.

Мифологик образлар энг кўп ҳаракатланадиган жойларга кўк (осмон), ер, сув, тоғ ва ўрмон культлари киради. Бу эса хронотоп нуқтаи назаридан лирикада мифологик образларнинг ҳаракатланиш маконини белгилаш имконини беради. Масалан, осмонда куёш, ой, юлдуз, тангри, фаришталар (иккинчи қатламида мифологик қушлар (Семурғ, Самандар, Қалдирғоч, Хумо ва бош.) бўлса, ерда парилар, сувда сув парилар, тоғда девлар, ўрмонда ялмоғиз кампир ва жодугарлар каби кўплаб мифологик образлари учрайди². Мифологик образларнинг лирик асарлар табиатида қўлланилиши биринчи навбатда шоир ижодий нияти нуқтаи назаридан ёндашишни талаб қилади. Лирик қаҳрамоннинг руҳий изтиробларини юзага чиқаришда мифологик образлар бевосита маълум бир мотивга ишора қилиши ва у китобхоннинг эстетик тафаккурида ўзига хос тарзда поэтик ўзгаришларга учраши кузатилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги ўзбек шеъриятида мифологик образлар бадиий матнда бутун бир ракурсни қамраб олмайди. Аксинча, бир

¹Усмон Азим. Танланган асарлар. 1- жилд. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. –Б. 43.

²Биз фақат ҳозирги ўзбек шеъриятида энг кўп учрайдиган мифологик образларга эътиборимизни қаратдик. Аслида ўзбек халқ оғзаки ижодида юзлаб мифологик образлар мавжуд.

мисрада иштирок этса-да, поэтик ғояни муболағароқ қилиб очишга хизмат қилади.

“Ноанъанавий талқин ва рамзийликда бадиий хронотоп муаммоси” деб номланган учинчи боб ҳам икки фаслдан иборат. Биринчи фасл “Модернизм шеъриятида хронотоп ранг-баранглиги” деб номланган бўлиб, бу фаслда модернистик шеъриятда макон ва замон талқини таҳлилга тортилади. Анъанавий шеъриятдан фарқли ўлароқ модерн шеъриятида хронотоп масаласи мураккаб бадиий ҳодиса сифатида эътироф этилади. Унда фикрлар туғғени бир маромда эмас, чалкаш ва тартибсиздек туюлади. Бунинг сабабларидан бири модерн шеъриятида бир вақтнинг ўзида ҳам анъанавийлик, ҳам мифологик, ҳам онг оқими, ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарининг синтезлашиб келиши билан изоҳланади. Табиийки, замон тушунчаси макон нуқтаи назаридан чексиз кўринишга эга бўлади.

Модернизм шеъриятида хронотопнинг ақлий ва метафизик категориялари етакчи хусусият касб этади. Ақлий хронотопнинг модерн шеъриятидаги ўзига хослиги ундаги аниқ макон ва уни ўраб турган хаёлий маконнинг қай ҳолатда тасвирланиши билан ўлчанади. Натижада тасвирнинг икки ёқлама кодланган кўриниши ифода этилади. Янги хронотоп моделининг ўзига хос хусусияти очилади. Метафизик хронотопда эса, бадиий вақтнинг кун, тун, соат, дақиқа кўринишлари билан бирга, ҳаёт, ўлим, борлик, йўқлик, жаннат, дўзах каби тушунчаларнинг ҳам етакчилиги сезилади. Бунда юқоридаги фикрларга таянган ҳолда модерн шеъриятининг кўп маънолилиги, ўзига хос рамзий ифода касб этиши, оддий ва мураккаб тасвирлар учраши, қадимги бадиий адабиётдан тўла маънода озикланиши натижасидир. Модерн лирикада бир асар таҳлили ёки бир ижодкорнинг индивидуал услуби тадқиқи орқали қатъий хулосалар чиқариш ярамайди. Модерн шеъриятда хронотопнинг мураккаблиги ҳам шу жиҳатлари билан кўзга ташланади. Жумладан, Гўзал Бегим шеъриятидаги ноанъанавий талқин, рамзийлик хронотопнинг кенгайишига олиб келади, яъни, бир замон ва макондан бошланган кечинма бирдан бошқа бир замон-маконга ўтиб кетади. Бунда лирикага хос вақт сиқиклигини эмас, унинг кенгайишини кузатамиз.

Кўзим бўйлаб кетаяпти куз
чайқалади оёқ товуши
жароҳати кўркам шаҳарда
Томчиларнинг нурларин силаб
хаёлимнинг асоратида
кўрдим гулнинг эгик баргларин
Кўзларимда мусофир тунлар
сенсизликни марҳамат қилиб
кафти очик кетган орзулар¹

Шеърда куз фаслининг бир лаҳзаси қаламга олинган бўлса-да, унда лирик қаҳрамоннинг изтиробни, айрилиғи, қолаверса, ички драматизми гўзал ташбеҳлар воситасида талқин этилади. Куз лирик замонни ифодалаши билан

¹Гўзал Бегим. Мажнунсоат: шеърлар. –Тошкент: Академнашр, 2012. –Б.17.

бирга, тун мотиви орқали қаҳрамон психологиясини, изтиробларини ҳам очиб беради. Китобхон хазонрезлар ёқилиб, натижада, ундан бир уюм кул қолганлигини ҳис эта бошлайди. Лирик қаҳрамон уни ўз юрагига қиёслайди. Тонгда тушган шудрингнинг оғирлигидан гулларнинг бошлари эгилади, гўёки куз фасли жароҳат олган инсонга қиёсланади. Куз мезонларини эса лирик қаҳрамон ўзининг сочларига ўхшатади. Модерн шеъриятда маконлар бир неча ифодаларга бўлинади. Масалан, бир хил маконлар нафақат бир муаллифнинг матнида, балки бир неча модерн шоирлар ижодида такрорланиши (бир хил семантик вазифани бажариши) мумкин. Бадиий маконларнинг модерн лирикасидаги ўзига хос хусусияти, ҳар бир сўзнинг маъносига чуқур кириб бориши, анъанавийлик (реализм, романтизм) билан боғланиши орқали изоҳланади. “Бу ҳолат мантикий равишда ягона гипертекстни (барча матнларнинг битта хронотопи) вужудга келишида, фундаменталь кетма-кетликда (худди сериали) бир неча шоирлар ижодида бир хил макон сифатида ёритилади. Шунинг учун ҳам анъанавий шеъриятда учрайдиган хронотоплар модерн шеъриятининг ҳам асосини ташкил қилади”¹. Бироқ улар янгича метафорик кўриниш олиб турли хил маъноларни ифодалаб келади. Масалан, юқорида келтирилган юрак макони анъанавий интим лирикада инсоннинг тана аъзоларидан бири ошиқ ўз маъшуқасини асраб-авайлайдиган жой, энг яқин сирдош (дўст ёки душман) маъноларини ифодаласа, модерн шеъриятда лирик қаҳрамон асосан уни эрк, озодлик (Юрак қушдир. Қафас билан бирга туғилган қуш. (Фахриёр) маъноларда ифодалайди.

